

Пойафзал богичи вокеаси

Бир марта пири билан сафарга чикди.

Пири ундан сўради:

- Ёнингда бирор нарса борми?

Деди:

- Йўк.

Яна бир неча кадам кўйгандан сўнг пири кайтиб сўради:

- Ёнингда бирор нарса борми?

Деди:

- Йўк.

Бир оз юргандан сўнг пири ўтириб олди ва деди:

- Яхшилаб кара, ёнингда егуликми ёки сафарга аскотадиган бошка бирор нарса борга ўхшайди, негаки, оёгим огирлик килаяпти, юролмаяпман.

У кийимларини яхшилаб текшириб, бир нечта пойафзал богичи топди.

Пири айтди:

- Хозирча бунга эҳтиёжинг йўкми?

Деди:

- Йўк.

Пир деди:

- Ташлаким, ортикча юқдир.

У хушламайрок богичларни ташлади ва мунтазир эдиким, богичлар узилса ва пирга ўз эътирозини баён этса. Богичлар узилгач, уни ечиб ташламок учун энгашди. Кўрдиким, янги бир богич ёнида турибди. Йўлда бу хол бир неча марта такрорланди. Пир айтди:

- Аллохга сидку садокат кўрсатганларнинг ахволи шундай бўлади.